



ҚАСДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Кушбаков Жамшид Мусурманкулович
Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани
ИИБ Тезкор-қидирув хизмати терроризмга
қариши курашиши гуруҳи катта тезкор
вакили, подполковник

Аннотация. Ушбу мақолада қасддан жиноят содир этиш босқичлари, уларнинг турлари. Ушбу турдаги жиноятларни ҳуқуқий баҳолашга доир фикр-мулоҳазал берилган.

Калит сўзлар: жиноят, босқич, қасднинг шаклланиши, жиноятга тайёргарлик кўриши, жиноят содир этишга суиқасд қилиши, тамом бўлган жиноят.

Жиноят инсоннинг ҳар қандай фаолияти каби, ривожланиш жараёнида бир неча босқични босиб ўтади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) қасднинг шаклланиши; 2) жиноятга тайёргарлик кўриши; 3) жиноят содир этишга суиқасд қилиши; 4) тамом бўлган жиноят[1].

Қасддан содир этилган жиноят шахснинг онгли, иродавий ва аниқ мақсадга йўналтирилган хулқ-атворидан иборат хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Жиноят узок ёки қисқа давр ичида содир этилиши мумкин. Шу боис жиноят таркибининг объектив томонини амалга оширишдан олдин шахс онгида фикрлаш жараёни юзага келиб, келгусида амалга оширадиган жиноий хатти-ҳаракатлар режасини тузади. Мазкур жараённи қисқа қилиб, *жиноий қасднинг шаклланиши* деб аташ мумкин. Жиноий қасднинг шаклланиш босқичи жиноий мақсадни аниқлаш, унга эришиш учун зарур шарт-шароитларни англаш, жиноятни содир этиш ва кейинчалик унинг изларини йўқотиш усулларини топиш, жиноятни содир этишда кўмаклашиш учун бошқа шахсларни жалб этиш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр юритиш кабиларни қамраб олади. Бироқ буларнинг барчаси шахс онгида бўлиб ўтади[2].

Суд-тергов амалиётидан маълумки, жиноят содир этишга қасд қилган шахс уни яширади. Лекин кўп ҳолларда шахснинг жиноят содир этиш мақсади бошқа шахсларга аён бўлиб қолади, яъни бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилади ёки жамоатчиликка ошкор бўлади ёхуд шахс ўз фикрларини бошқалар билан бўлишганида атрофдагилар (қариндош-уруғ, дўстлар, таниш-билиш, кўни-қўшни ва б.)га жиноят содир этишга қасд қилганлиги ҳақида сўзлаб берганидан сўнг аён бўлади. Мазкур ҳол жиноят ҳуқуқи назариясида *қасдни изҳор қилиши* деб аталиб, унга шахс онгида жиноят содир этиш бўйича ташқи юзага келган ва шаклланган хоҳиш-истак, мақсад деб таъриф берилади. Жиноий қасд ҳақида ўзгаларга билдириш эса шахс

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



томонидан ўз жинойй мақсадларини оғзаки, ёзма, конклюдент хатти-ҳаракатлар, яъни имо-ишора, муайян сўз ёки тана ҳаракатлари билан бошқа шахсларга хабар бериш орқали амалга оширилади.

Амалдаги жинойят қонунида жинойй қасдни изҳор қилиш ва у ҳақда билдириш учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Шу боис уларни жинойятни содир этиш босқичи сифатида талқин эмас, балки мазкур босқичнинг амалий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда жинойят ҳуқуқи фани доирасида ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ[3].

Қасдни изҳор қилишни бошқа баъзи жинойятлардан ажратиш лозим, бунда жинойят таркиби объектив томонининг асосий белгиси сифатида *жинойят ҳақида ахборот бериш* мавжуд бўлади. У бошқа шахсларга мазкур жинойятни содир этиш ҳақида оғзаки, ёзма ёки бошқа шаклда ифодаланган ахборот ҳамда маълумотларни беришдан иборатдир. Чунончи, ахборот бериш орқали ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (ЖК 112-м.), фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (ЖК 125-м.), тухмат (ЖК 139-м.), ҳақорат қилиш (ЖК 140-м.), урушни тарғиб қилиш (ЖК 150-м.), Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қилиш (ЖК 159-м. 1-қ.), товламачилик (ЖК 165-м.), рақобатчини обрўсизлантириш (ЖК 192-м.) ва бошқа бир қатор жинойй хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мумкин.

Бинобарин, қасдни изҳор қилиш ҳамда жинойят ҳақида ахборот бериш бир-биридан фарқ қилади. Қасдни изҳор қилиш бошқа шахсларга билдирилган ахборот, шахсда жинойятни содир этиш ҳақида ташқи томондан шаклланган мақсадни акс эттиради, бу эса уни жинойй жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди. Жинойят ҳақида ахборот бериш эса жабрланувчига ноқонуний тарзда зўрлик билан рухий таъсир ўтказиш ёхуд қонунга хилоф равишда у ёки бу ахборот ва маълумотларни тарқатишдан иборат бўлади. Шу боис у жинойят қонунида ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга хавф солувчи қилмишлар қаторига киритилган.

Ахборот тарқатиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар жинойят қонунида иккита алоҳида турга бўлинади. Биринчиси, мустақил жинойят сифатида белгиланган бўлиб (масалан, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш), иккинчиси бошқа жинойятни содир этиш усули сифатида қаралади (масалан,

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



товламачилик, босқинчилик жиноятларини содир этишда).

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятни содир этиш босқичлари учта босқичга бўлинади.

Жиноят содир этиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- 1) жиноятга тайёргарлик кўриш;
- 2) жиноят содир этишга суиқасд қилиш;
- 3) тамом бўлган жиноят.

Жиноий қилмиш муайян вақт оралиғида бўлган ҳолларда, одатда у бирор мақсадга йўналтирилган хулқ-атвордан иборат жараёни ташкил қилади. Мазкур жараён муайян хоҳиш-истак асосида шаклланган жиноий мақсаднинг шаклланишидан бошлаб, уни реал воқеликда ижро этишгача бўлган барча босқичларни қамраб олади.

Қасддан содир этилган жиноятларга жиноий қилмишни била туриб амалга ошириш хос бўлганлиги боис, жиноий ниятни амалга ошириш жараёнида мавжуд бўлиши мумкин бўлган босқичларни айнан шу турдаги жиноятларга тегишли равишда шарҳлаш лозим. Демак, босқичма-босқич ривожланиши мумкин бўлган жиноятлар доирасига фақат қасддан содир этилган жиноятлар қиради, деб хулоса чиқариш мумкин. Мазкур хулоса эҳтиётсизлик орқали содир этиладиган жиноятларда босқичларга ажратишнинг имкони йўқлигидан келиб чиқади.

Жиноят қонунчилигига мувофиқ (ЖК 21-м.), объектив томони зарурий белги сифатида жиноий оқибатни ўз ичига олган қасддан содир этиладиган жиноятлар тўғри ёки эгри қасд билан содир этилган бўлиши мумкин. Шу боис мазкур турдаги қасд билан содир этилган жиноятларни босқичларга ажратиш таҳлил қилиш имконини кўриб чиқиш лозим[4].

Субъектив томондан жиноят босқичлари фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда бўлиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқига оид нормалар ва тергов-суд амалиётини таҳлил қилиш тўғри қасд билан содир қилинадиган жиноятларнинг ҳаммасида ҳам жиноий қилмиш босқичларга бўлинмаслигини кўрсатмоқда. Мазкур хулоса жиноятлар таркибининг ҳуқуқий конструкцияси (тузилиши) ҳамда улардаги объектив томоннинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Қонун тузилишига кўра, барча жиноятлар таркиби формал (расмий) ва моддий таркибларга бўлинади. Жиноятлар таркибини тузилишига кўра ажратиш жиноятни содир этишда муайян босқичларнинг ҳам формал, ҳам моддий таркибини аниқлашга имкон беради.

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



Моддий таркибли қасд билан содир этилган жиноятларда жиноий фаолият қонунда назарда тутилган барча босқичларни босиб ўтади ва бу жиноят исталган босқичда тугалланиши мумкин. Чунончи, ўзганинг уй-жойига ғайриқонуний равишда кириб, ўғрилик қилишга қасд қилган шахс (ЖК 169-м. 2-қ., «г» б.) аввал бир қатор тайёргарлик ишларини амалга ошириши лозим.

Формал таркибли қасддан содир этилган жиноятларда жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи бу турдаги барча жиноятларда бўлади. Қонунда тайёргарлик ҳаракатлари тугалланган жиноят деб белгиланган жиноятлар бундан мустасно. Чунончи, Жиноят кодекси 242-моддасининг 1-қисмига биноан, жиноий уюшма ташкил қилишнинг ўзига жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, у жиноий фаолият юритиш бошланган ёки бошланмаганлигидан қатъи назар, тугалланган жиноят ҳисобланади.

Формал таркибли жиноятлар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилгандан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланганлиги боис, уларда жиноят содир этишга суиқасд қилиш босқичи бўлмайди деган хулосага келиш ноўриндир. Чунки, мураккаб таркибли жиноятларда, яъни жиноят икки ёки ундан ортиқ хатти-ҳаракат билан боғлиқ жиноятларда мавжуд бўлиши мумкин бўлиб, уларнинг йиғиндиси жиноий жазога лойиқ қилмиш ҳисобланади. Масалан, номуста тегиш (ЖК 118-м., 1-қ.) жинояти.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон қарори.
3. Тамом бўлмаган жиноятлар // <https://staff.tiame.uz/storage/users/425/presentations/p7n2wbXo0IaqsHZNGC9vmsGOy08GCXtgPF13xfHS.pdf>
4. Жиноят содир қилиш босқичлари // <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/huquqshunoslik/zhinoyat-sodir-ilish-bos-ichlari>